

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат

Архитектура – Қурилиш Институти

“Қурилишни бошқариш” факультети

“Касбий таълим” кафедраси

*Диплом лойиҳасини
Тушунтириш хати*

Мавзу: Амалий машғулотларни ўқитишда замановий педагогика
технологияларни қўллаш

Кафедра мудири: доц. Рахимов А.Қ.

Рахбар: доц. Яхшибоев Ғ.

Битирувчи: 401 – КТ(қ) гуруҳи

Талабаси Тиллаева Нафосат.

Самарқанд 2012й

МУНДАРИЖА

1.Кириш.....

2.Анънавий ўқитиш услуги.....

3.Замонавий ўқитиш услуги.....

4.Ўқув услубий қисм.....

5.Хулоса.....

6.Адабиётлар.....

Кириш:

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурути бўлган таълим тузилишининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлида бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогика ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиш билан узлуксиз таълим тизими орқали замановий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди.

Маълумки, узлуксиз ва узвийлик таълим тизимида ортиқча такрорийликка чек қўйиб, аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтирди, колаверса давлатнинг ижтимоий ва илмий – техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув – тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти яратилади.

Таълимнинг барча босқичларига оид услубий педагогика ва дидактик талаб талаба (ёки ўқувчи) нинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш фикрлашга ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулоти мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир. Жаҳон педагогика тажрибаси, замонавий педагогика технологияларининг талаба (ёки ўқувчи) ларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот – таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилona фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур.

Шундай мустақил ишлардан бири бу диплом лойиҳалари ва ишларидир. Диплом лойиҳа ва ишлари раҳбар топшириғи асосида услубий кўрсатмага биноан бажарилади.

Қўйдаги диплом лойиҳасида меъморий – қурилиш, конструктив, технологик қисмлар, шунингдек касб таълимнинг ажралмас қисми бўлган ўқув – услубий бўлимлар ёритилган. Бунда асосий эътибор бўлажак муҳандис – педагогларнинг фаолияти, тегишли меъёрий хужжатлар, дарс ўтиш технологияларига қаратилган.

Анъанавий ўқитиш услуби

Анъанавий ўқитиш асосан билим , ўқув ва кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган бўлиб , шахснинг ривожланишини кўзда тутмайди.

Анъанавий ўқитиш асосини , Я.А.Камчнский томонидан тузилган педагогика тамойиллари ташкил этади:

- Илмийлик
- Табиатга монандлик (ўқитиш ривожланиш билан белгиланади , аммо шакилланмайди)
- узвийлик ва тизимлилик;
- мустаҳкамлик (такрорлаш, такрорлаш...)
- онглик ва фаоллик (қўйилган мақсадни билган ва буйруқларни бажаришга фаол бўлган)
- назарянинг амалёт билан боғлиқлиги;
- ёши ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш;

Анъанавий ўқитиш қуйдаги хусусиятларга эга ; зўравонлик педагогикаси, ўқитишнинг тушунтурув, кўргазмали усули, оммовий ўқитиш. Анъанавий ўқитишда авторитарлик қуйдаги шаклда номоён бўлади; талаба ва ҳали тўла шаклланмаган шахс, у фақат бажариши зарур, педагог эса -бу сардор. ҳакам, ягона ташаббускор шахс.

Мумтоз анъанавий синф- дарс тизими бу баён эишни маърузавий усули ва китоб билан мустақил ишлашни ўз ичига олади.

Замонавий анъанавий ўқитиш эса, ўқитишнинг техник воситаларини қўллаб, дидахографиядан фойдаланишдан иборат бўлади. Шахсга йўналтирилган технологияларда, талаба шахси педагогик жараён марказига қўйилади. Унинг ривожланишига ва табиий имкониятларини рўйобга чиқаришга қулай шарт- шаротилар яратилади;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Ўзбекистон Республикасидаги таълим тизимининг миллий моделига алоҳида эътибор қаратилган. Бу модел беш таркибий қисмдан иборат. Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ишлаб чиқариш. Бу ерда таълим миллий моделининг асосий таркибий қисми “шахс” биринчи ўринда туради.

Бошқача айтганда бутун таълим тизими, шу жумладан ўқитиш шахсга йўналтирилган бўлиши лозим.

Шунинг учун замонавий технологияларда педагогик жараён, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари асосида амалга оширилиши лозим.

“Анъанавий ўқитиш технологияси” (авторитор технология)

1. Педагог, ягона субъект, талабалар “объект” вазифасини бажаради.
 2. Талабанинг ташаббуси ва мустақиллиги йўқолади, ўқитиш мажбурий йўсинда амалга оширилади.
 3. Ёши ва тайёргарлик даражаси тахминан бир хил бўлади, талабалар (гурухи) ташкил этади.
 4. (Синф, гурух, оқим) ягона режа , ягона ўқув дастурлар ва ягона машғулотлар жадвали билан шуғулланади.
 5. Ўқув китобларига асосан уй ишлари қўлланилади.
 6. Анъанавий ўқитишга асосан билм, ўқув ва кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган, бўлиб шахснинг ривожлантиришни кўзда тутмайди.
- Зўравонлик педагогикаси.
 - Ўқитишнинг тушинтирув кўргазмали усули.
 - Оммовий ўқитиш.

Замонавий ўқитиш методлари.

Педогогикага оид адабиётларда ўқитиш методларига катта аҳамият берилади. Дидактика билан шуғулланувчилар методни ўқув жараёнининг ўзаги, кўзланган мақсад ва пировард натижани боғловчи восита деб изоҳлайдилар.

Ўқитиш методи “ўқитишнинг мақсади, мазмуни, методи, шакли, усуллари” тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

Метод деганда, таълимда мақсадга эришиш масалаларини ҳал қилиш йўллари, усуллари тушинилади. Ўқитиш методи таркибида усуллар алоҳида ажралиб туради.

Усул- методнинг унсури бўлиб, унинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланилади ва алоҳида қадам ҳисобланади.

Ўқитишнинг метод- мураккаб, кўп қиррали, кўп жиҳатларга эга бўлган таълимдир.

Ўқитиш методида ўқитишнинг объектив қонуниятлари, мақсадлари мазмуни, тамойиллари, шакллари ўз аксини топади. Методлар бошқа дидактик категорияларга диалектик боғлиқ ва бири бошқаларини тақозо қилади. Яъни ўқитишнинг мақсади, мазмуни шакли ҳосиласи сифатида методлар дидактик категорияларга акс таъсир кўрсатади. Методлар тизилмасида объектив ва субъектив ажралиб туради. Методларнинг объектив

жихатларида барча дидактик қоидалар ва қонунийлар, тамойиллар ва таърифлар, шунингдек мазмуни бутунлигининг доимий компонентлари, ўқув фаолиятининг шакилларга хос бўлган умумий жиҳатлар акс этади.

Методлар тизилмасида объектив ва субъектив жиҳатлар ажралиб туради. Методларнинг объектив жиҳатларида барча дидактик қоидалар, қонунлар ва қонуниятлар, тамойиллар ва таърифлар, шунингдек, мазмуни бутунлигининг доимий компонентлари, ўқув фаолиятининг шакилларига хос бўлган умумий жиҳатлар акс этади.

Методларнинг субъектив жиҳати педагог шахси, таълими оловчиларнинг ўзига хослигига ва конкрет шароитга боғлиқ бўлади.

Ўқитиш методларининг кўп ўлчовлилиги уларнинг кўплаб таснифни келтириб чиқаради.

Ўқитиш методлари таснифи - бу муаян белгилар асосида тартибга солинган тизимдир.

Дидактик тадқиқотлар ўқитишни диалектик жараён сифатида ўрганади. Бунга кўра ўқитиш методлари тизими динамикада ҳаракатда, таълим мазмунида юз бераётган барча ўзгаришларни ҳисобга олинган ҳолда деб қаралади. Энг асосланган ўқитиш методлари таснифларига қўйдагилар киради.

1. Аъанавий методлар. Бу методларнинг ибтидосини илк фалсафий ва педагогик тизимлар ташкил этади. Ҳозирги даврда улардан бештаси инобатга олинади:

Амалий, кўргазмали, ифодали, китоб билан ишлаш ва видео методлар.

2. Мақсадига кўра методлар таснифи: Билимларни элаш, малака ва кўникмаларни шакллантириш, билимларни қўллаш, ижодий фаолият мустаҳкамлаш методлари билим малака ва кўникмаларни текшириш методлари.

3. Идрок этиш – билим фаолиятига характерига кўра методлар таснифи: Тушунтириш – иллюстратив (ахборот - ретсептив). Уларнинг характерли хусусиятлари билимлар “тайёр ҳолда тавсия этилади. Бу билимларни идрок қилиш ташкил этилади. Билимлар идрок (ретсенция) қилинади ва тушуниб олинади, хотирага жойлаштирилади. Репродуктив метод: билимлар тайёр ҳолда тавсия этилади, билим нафақат баён қилинади, балки тушунтирилади билимлар онгли ўзлаштирилади уларнинг тушунилиши ва эслаб қолишига эришилади ҳамда билимларнинг мустаҳкамлиги тез-тез такрорлаш йўли билан таъминланади.

Муаммали баён қилиш методи: Қисман (евристик) метод. Билим тайёр ҳолда тавсия этилмайди, балки у мустақил равишда эгалланади. Янги билимларни қидириш, излаш ташкил этилади. Билим вазифалари бўйича мустақил фикр юритилади, муаммали вазиятлар яратилади ва ҳал қилинади. Тадқиқий метод. Бунда муаммо белгилаб олинади, муаммонинг тадқиқоти жараёнида билим эгалланади.

4. Дидактик мақсад бўйича қўйдагилар фарқланади. Илк бор билимларни мустахкамлаш ва такомиллаштириш методлари.
5. Ўқитиш методларининг бинар (қуш) ва полинар (қўпқиррали) таснифи. М.И.Махмутовнинг бинар тизими дарс бериш методи ва ўрганиш методи мажмуидан иборат.

Ўқитиш методлари .

Дарс бериш методи	Ўрганиш методи
Ахборот бериш баён қилиш	Ижро этиш
Тушунтириш	Репродуктив
Кўрсатма бериш амалий	Продуктив-амалий
Тушунтириш -ишонтириш	Қисман ижодий
Ишонтириш	Ижодий

Ўқитувчининг полинар таснифи В.Ф.Паламарчук ва В.И.Паламарчук томонидан ишлаб чиқилган. Бу тасниф билимлар манбаи, билиш фаоллиги даражаси. Ўқув билимларнинг мантикий йўллари йиғиндисидан таркиб топади. Дидактика бўйича немис мутахассис Л.Клинберг ўз таснифида методларни ўқитишдаги ҳамкорлик шакллари билан бирга олиб қарайди.

Ўқитиш методлари (Л.Клинберг)

Монологик метод	Хамкорлик шакл	Диалогик метод
Лекция	Индивуд	Сухбат
Хикоя	Гуруҳ	
Намойиш қилиш	Фронтал	

- Академик Ю.К.Бабанский ўқитиш методларининг уч гуруҳини белгилайди:
- Ўқув-билим фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари.
 - Ўқув-билиш фаолиятини мотивациялаш ва стимуллаш методлаш.
 - Ўқув-билиш фаолиятининг самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш.

Муаммоли ўқитиш технологияси

Муаммоли ўқитиш америкали философ, психолог ва педагог Дж.Дионнинг назарий қоидаларига асосланади ва XX асрнинг 20-30 йилларида тарқала бошлади. Дж.Дион 1894 йилда Чикаго шаҳрида тажрибавий мактаб асослади, бу мактабда ўқув режалар, ўйин ва меҳнат фаолияти билан алмаштирилган эди. Дж.Дион ўқитиш учун қўйдагиларни асос қилиб белгилади:

Ижтимоий конструкциялаш, бадий ифодалаш, илмий тадқиқий. Бу асосларни амалга ошириш учун қўйдагилар тавсис этилади: Сўз, санъат асарлари, техник қурилмалар, уйинлар ва меҳнат.

Бугунги кунда муаммоли ўқитиш деганда машғулотларда педагог томонидан яратиладиган муаммоли вазиятлар ва уларни ечишга қаратилган талабаларнинг фаол мустақил фаолияти тушинилади. Бунинг натижасида талабалар ижобий билимларга кўникмаларга, ўқувчиларга эга бўладилар ва фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Муаммоли ўқитиш, ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияларга таалукли, чунки бу ерда шахс субъект сифатида қаралади, муаммоли вазиятларнинг мақсади – педагогик жараёнда узига ҳос қизиқиш ўйғотишдир.

Муаммоли ўқитиш, ўқитишнинг энг самарали усулидир, чунки илмий билимлар мантиқи ўзида муаммоли вазиятлар келтириб, анъанавий, баён этиш ўқув материалнинг энг оптимал таркиби ҳисобланади.

Педагог муаммоли вазият яратади талабани ечишга йўналтиради, ечимни излашни ташкил этади. Муаммоли ўқитишни бошқариш, пудагогик маҳоратни талаб этади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши-индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндошувни талаб этади.

Табақалаштирилган ўқитиш технологияси

Табақалаштирилган ўқитиш ўқув жараёнининг ташкил этишни бу шакли умумий дидактика тизимида асосланган бўлиб, махсус ташкил этирилган талабаларнинг гомоген гуруҳларида, ўқув жараёнини махсуслаштиришни таъминлайди.

Ўқитишни табақалаш (бу тушунча ўқитиш жараёнини ўзи билан боғлиқ) услубий психологик-педогогик ва ташкилий-бошқарув тадбирлар мажмуаси асосида тузилган турли хилдаги гомоген гуруҳларда ўқитиш учун турли хил шарт-шароитларни яратиш демакдир. Ўқитишнинг энг охирги олий поғонаси индивидуал ўқитиш ҳисобланади. Олий, ўрта махсус ва касб ҳунар таълим тизимида гомоген гуруҳлар, талабаларнинг индивидуал-психологик, хусусиятлари, аввало ақлий ривожланиш даражаси асосида тузилади. Умумтаълим мактабларда, академик лицейларда ва касб ҳунар коллежларида талабаларнинг ақлий ривожланиш даражаси бўйича табақалашнинг ижобий томонлари билан бир қаторда салбий томонлари ҳам мавжуд бўлади.

Компьютерда ўқитиш технологияси

Компьютерлаштирилган ўқитиш технологияси – бу компьютердан фойдаланишга асосланган ўқитишдир. Ўқитишнинг компьютер технологияси янги информацион технологияларнинг бир туридир. Информацион технологияларда бундан ташқари бошқа информацион воситалар (телевидения, видео ва бошқалар) ишлатилиши мумкин. Компьютер технологиялар дастурлаштирилган ўқитиш ғояларини ривожлантиради, замонавий компьютерлар ва телекоммуникацияларнинг йирик имкониятлари билан боғлиқ бўлган ўқитишнинг мутлақо янги холи тасдиқ қилинмаган технологик вариантларини очиб беради. Телекоммуникацион тизимлар, шу жумладан компьютерлар ҳозирги замон илмий техник тараққиётнинг маҳсули ҳисобланади. Илмий техник тараққиётнинг, илмий техник ахборотнинг кўчкисимон ўсиши билан белгиланади. Талабаларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисога олиб имкони борица максимал даражадаги ахборотни ўзлаштириш фақат компьютерлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Мазкур ўқитиш технологиясини амалга ошириш учун қуйидаги ахборотлар компьютерга киритилади: берилган ахборот банки бу дарсликлар, ўқув қўлланмаларига киритилмаган ахборотларни киритиш, тизимлаш, сақлаш ва узатиш технологиялари: билимлар ахборот банки бу берилган мавзу бўйича етарли ахборотларни ўз ичига олган ахборот тизимлари яъни ўқитишнинг компьютер технологияси асосида ўқув жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини максимал даражада оширишга эришиш мумкин.

Ўқитишнинг компьютер технологияси, компьютернинг инсон индивидуал қобилиятларига мослигига таянади. Ўқитиш жараёнини оптимал даражада тезкор бошқариш имконияти мавжудлиги, бу ўқитишнинг турининг универсал мулоқати қурлишида эканлиги, психологик қулайликлари, ўқитишнинг чекланмаганлиги билан ажралиб туради. Ўқитишнинг компьютер технологияси мазмун жиҳатидан, компьютер хотирасига киритилган педагогик дастурий ва воситалар билан фарқланади. Дастурий воситалар мавзу, билим ёки бутун ўқув фани бўйича тузилиши мумкин ва у ўқув материали ўзлаштириши диагностикаси баҳолашни ва мониторингини ўз ичига олади. Ўқитишнинг компьютер технологияси самарадорлиги дастурий воситаларнинг ишлаб чиқиш даражаси билан бир қаторда ўқув жараёнини ва ишчи ўринларини туғри ташкил этилганига боғлиқ бўлади. Компьютерда ўқитиш технологиясида қуйидагилар зарур бўлиб ҳисобланади: ўқитиш мутассил равишда компьютер ёрдамида диагностик тестлар ўтказиш ўқув мақсадларига эришилганлигини баҳолаш.

Ўқитишнинг компьютерли технологиясида ўқитиш циклининг қайта такрорланиши энг самарали таъминланади. Бу ўқитиш технологиясида педагогнинг функцияси қўйдагилардан иборат бўлади. Дастурий воситаларни тайёрлаш, ўқув жараёнининг (ўқув жараёни графиги,

диагностика, назорат) гуруҳ, фан даражасида ташкил этиш; Ишчи ўринлашни ташкил этиш, йўл-йўриқлар бериш, тармоқни бошқариш талабалар билан мулоқатда бўлиш, индивудал ўқитишни таъминлаш.

“6х6х6” методи

Ушбу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 36 нафар ўқувчини муайян фаолиятига жалаб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини билиб олиш мумкин. “6х6х6” методи асосида ташкил этилаётган машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи бўлган 6та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт ниятига етгач, ўқитувчи 6 та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шакилланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шакилланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳи томонидан муаммо (масала) ечиш сифатида тақдим этилган ҳулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

“6х6х6” методининг афзаллик жиҳатлари қуйдагилардир:

1. Гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди.
2. Улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди.
3. Гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилди.
4. Илгари суралаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш шунингдек, уз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади. Энг муҳими машғулоти иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дақиқа) мобойнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи ҳам аърузачи сифатида фаолият олиб боради. Ушбу методни 5,6,7 ва ҳатто 8 нафар ўқувчидан иборат бўлган бир неча гуруҳларда қўллаш мумкин. Бироқ йирик гуруҳлар ўртасида “6х6х6” методи қўлланилганда вақтни кўпайтиришга тўғри келади. Чунки бундай машғулотларда мунозара учун ҳам, ахборот бериш учун ҳам бир мунча вақт талаб этилади. Сўз юритилаётган метод қўлланилаётган машғулотларда гуруҳлар томонидан бир ёки бир неча мавзу (муаммо) ни муҳокама қилиш имконияти мавжуд.

“6х6х6” методидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчидан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакиллантира олиш лаёқатига эга бўлишни талаб этади.

Гуруҳларнинг тўғри шакиллантирмасини топшириқ ёки вазифаларнинг тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. “6х6х6” методи ёрдамида машғулотлар қўйдаги тартибда ташкил этилади.

1. Ўқитувчи машғулоти бошланишидан олдин 6 та стол атрофида 6 тадан стул қўйиб чиқади.

2. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан 6 тадан гуруҳга бўлинади. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қўйдагича йул тутиш мумкин. 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан: кема, тўлқин, балиқ, дильфин, кит ақула) сурати тасвирланган (жами 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир ўқувчи ўзи танлаган варақчадан тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулда жой эгалайди.

3. Ўқувчилар жойлашиб олганлардан сўнг ўқувчи машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этади.

4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кўзатиб боради керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатади ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил қилинганидан сўнг гуруҳлардан мунозараларни сўрайди.

5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввали гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларга сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар (топшириқ ечимларини) муҳокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар.

Ақлий хужум методи

Мазкур метод муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган метод саналиб у машғулот иштирокчиларни муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш шунингдек, ўз тасаввурлари ва ғояларидан ижобий фойдаланиш борасида маълум кўникма ҳамда малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. Ушбу метод ёрдамида ташкил этилган машғулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти тўғилади. “Ақлий хужум” методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум қадриятларни аниқлаш айнаи вақтда уларга муқобил бўлган ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Машғулотлар жараёнида “Ақлий хужум” методидан фойдаланишда бир неча қоидаларга амал қилиш талаб этилади. Ушбу қоидалар қўйдагилар:

1. Машғулот иштирокчиларини муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш улар томонидан кўтилмаган мантиқий фикрларни билдиришга эришиш.

2. Ҳар бир ўқувчи рағбатлантириб борилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг мақбуллари танлаб олишга имкон беради.

3. Ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий фикр ёки ғояларига асосланиш ҳамда уларни ўзгартириш мумкин. Аввал билдирилган фикр (ғоя) ларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикр (ғоя) ларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

4. Машғулот жараёнида ўқувчиланинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилиш улар томонидан билдирилаётган фикрларини баҳолашга йўл қўйилмайди. Агарда уларнинг фикр (ғоя)ларни баҳоланиб бориладиган бўлса, ўқувчилар ўз диққатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар. Мазкур методни қўллашда кўзланган асосий мақсад ўқувчиларни муаммо хусусида кенг ва чуқур фикр юритишга рағбатлантириш эканлигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда уларнинг фаолиятларини баҳолаб боришнинг ҳар қандай усулдан воз кечиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу методдан самарали фойдаланиш мақсадида амал қилиш лозим.


“Замонавий ўқитиш технологиялари”

(Унинг асосий тамойиллари)





Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари ҳисобланади.

- Инсонпарварлик-инсонга ҳар томонлама ҳурмат ва муҳаббат кўрсатиш унга ёрдамлашиш.
- Ҳамкорлик – педагог ва талабалар муносабатидаги демократизим.
- Эркин тарбиялаш – шахсга ҳаёт фаолиятини кенг ёки тор доирасида танлаб олиш эркинлиги.
- Педагогик жараёнида шахс объект эмас субъект ҳисобланади.
- Ҳар бир талаба қобилият эгаси қўпчилиги эса истеъдод эгаси ҳисобланади.
- Юқори этик кадриятлар (сахийлик, меҳнатсеварлик, виждон ва ҳ.к)
- Талаба ва педагог ҳуқуқларини тенглаштириш.
- Талабанинг эркин танлаб олиш ҳуқуқи
- Ўз нуктаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи.

Замонавий ўқитиш технологиялари.



Замаонавий ўқитиш усулларида аудуторияларни жиҳозлаш.



Ўқув – билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш методлари

Ифодали Кўргазмали Амалий	Индуктив ва дедуктив	Репродуктив ва муаммоли ижодий	Ўқувчилар рахбарлигида мустақил иш методлари
Манбалари	Мантиқ	Тафаккур	Бошқарув

Олий мактабдаги ўқитиш методлари муаммоси кўп сонли тадқиқотларни мавжудлигига қарамасдан ҳам тўла ҳал этилганича йўқ. Бу ўқитиш методларининг диалектиклиги, олий мактабдаги таълим мазмунининг такомиллашуви, илмий – техник тарақиётнинг ўсиб бориш билан изоҳланади.

Олий мактабдаги ўқитиш методлари муоммасини ҳал қилишдан аввал олий мактабдаги ўқитиш методларининг ўзига хослигини асослаш ўринли бўлади. И.Т.Огородников ўз тадқиқотларида олий мактабдаги ўқитиш методларининг ўзига хослиги деганда, унинг илм ўрганиш методлари билан яқинлашувудадир деб билади. О.И.Архангелскийнинг фикрича эса, олий мактабдаги ўқитиш методлари нафақат дарс бериш усуллари ва услубларини бирлаштиради, балки у билишнинг шқув ва илмий фаолиятига йўалтирилган тизими эканлигини қайд қилади. Шундай қилиб, олий мактабдаги ўқитиш методлари ўзига хос хусусиятларга эга. Энди шундай савол туғилади: Олий мактаб методлари мактаб методларидан қай жихатлари билан фарқланади?

Мактабдаги фан асослари ўрганилади, умумий таълим берилади. Олий мактабда талаба замонавий фанни ўрганади ва ихтисослик бўйича таълим олади. Шунинг учун ҳам олий мактаб методлари билимларни етказиш ва англашнинг усулларигина эмас, балки фан тараққиёти жараёнига тобора кириб бориш унинг методологик ва ғоявий асосини очиш методи ҳамдир.

Олий мактабдаги ўқитиш методларининг асослашда дидактика билан шуғулланувчи олимлар олий мактабдаги ўқув жараёнининг хусусиятлари ва талабаларнинг билим фаолиятини қамраб оладилар ҳамда талабаларнинг касбий ва шахсий тайёргарлиги масалаларига катта аҳамият берадилар. Талабаларнинг фаол ижодий билиш фаолияти ҳамда уларнинг мустақил ишларидан иборат олий мактаб жараёни икки гурҳ ўқитиш методларининг фарқланишини тақозо қилади ўқитиш методлари ва ўрганиш методлари.

Ўқитиш методлари билимларни бериш усуллари сифатида қаралади ва талабаларнинг илмий билиш фаолиятига раҳбарлик қилишга қаратилган бўлади ҳамда ўқув жараёнида таъсир кўрсатишни шакиллантиради.

Ўрганиш методлари билим, малака ва кўникмаларни ижодий эгалашга ҳамда методик ва ғоявий – сиёсий эътиқодларни ишлаб чиқишга қаратилган талабаларнинг илмий билиш фаолияти усули сифатида белгиланади.

Олий мактабдаги таълим хусусияти ўқув жараёнини ташкил этишда кўринади. Мактаб таълими методларни белгилаш ва ўқитиш шаклларни

ташқил қилишни тавсия этади. Олий мактабда эса ўқитиш методлари ва шакллари қўшилиб кетади яъни олий мактабдаги дарс бериш методи айтилган замонда ўқитишнинг ташқилий шакли ҳам ҳисобланади. Олий мактабдаги ўқитиш методлари ўзига қўшимча юкланма машғулоти ташқил этишни ҳам олади. Олий мактабдаги ўқитиш методлари таснифи масаласи ўзининг долзарблигини сақлаб қолади. Олий мактабдаги ўқитиш методлари таснифининг дидактик ёндашувлари умумдидактик ёндашувларга монелик қилмайди, балки уларни ривожлантиради. Улар олий мактабдаги ўқув жараёнининг хусусиятлари, уларнинг дидактик вазифалари ҳаракатларига асосланади. Олий мактабдаги ўқитиш ва ўрганиш методлари қўйиладиган гуруҳлардан иборат кенг тарқалган таснифларга бориб тақалади

1. Билимларни бериш, идрок этиш ва ўзлаштириш ҳамда эътиқодни шакллантиришни таъминловчи методлар. Методларнинг бу гуруҳга лекция, талабаларнинг мустақил ишлари мустақил таҳсил олиш бўйича ишлар ишлаб чиқариш жараёнларини кўзатиш, маслаҳатлар, кўрсатма бериш, оммавий ахборот програмалаштирилган материалларни идрок этиш ва бошқалар қиради.

2. Билимларни тадбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш ҳамда эътиқодни чуқурлаштириш методлари. Бу гуруҳга симинар, амалий ва лаборатория машғулоти назорат ишларини бажариш програмалаштирилган ўқитиш кабинетлариданги машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти қиради.

3. Билимлар эътиқодларни шакллантириш ва талабаларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш методи. Бу ўқув жараёнининг рейтинг баҳолари коллоквиумлар, суҳбат ўтказиш, курс ва диплом ишлари лойиҳалари ҳамда давлат аттестацияси натижаларини баҳолашдир. Бу тасниф конкрет материаллар имкониятларини белгиловчи энг муҳим сифатлар асосига қурилган. Биринчи гуруҳдаги шундай сифатларга билимларни идрок қилиш ва ўзлаштириш иккинчи гуруҳга – тадбиқ этиш ва мустаҳкамлаш учинчи гуруҳга эса аттестация ва билимларни аниқлаш талуклидир. Олий мактабдаги ўқитиш методлари тизимига қўйиладиган талаблар қўйилади:

- Методлар тизими таълимий функцияга эга бўлиши лозим. Бу дидактик мақсадлар ва ўқитиш вазифаларга эришишнинг энг қулай усулидир:

- Методлар тизими тарбияловчи – такомиллашув функциясига эга бўлиши лозим. Бунда талабаларнинг мустақил ишлари, вазифалари, уларнинг ишга ижодий ёндашуви ҳал қилинади. Талабаларнинг шахсий сифатлари билим малака ва кўникмалар эгаллашга бўлган эҳтиёжлари шаклланади ҳамда уларнинг диққати, иродаси, ҳиссиёти, хотираси, тафаккури ўсади.

Энг жиддий дидактик муаммолардан бири таълим методларини танлаш нимага боғлиқ деган масаладир. Дидактикага оид адабиётларда ўқитиш методларининг қўйиладиган боғлиқлари қайд қилинади:

- Биринчидан ўқув машғулотларининг дидактик мақсадлари вазифаларга боғлиқ

- Иккинчидан баён қилинадиган материалнинг ҳаракатига боғлиқ.

-Учунчидан таълим олувчиларнинг билими ва ривожланиш даражасига боғлиқ.

-Туртинчидан ўқув жараёнида ўрганилаётган фан асосларининг муайян (ҳозирги)даврдаги методларига боғлиқ.

-Бешинчидан олий ўқув юрти ёки кафедранинг шароитларига боғлиқ

-Олтинчидан ўқув жараёнининг моддий – техник таъминоти билан боғлиқ.

-Еттинчидан ўқитувчининг педагогик маҳорати унинг тайёргарлиги ва ўқув жараёнини ташкил этиш даражаси ҳамда ўқитувчининг ҳозирги замон методлари бўйича билимларига боғлиқ.

Шундай қилиб олий мактабдаги ўқув жараёни ўқитишнинг шакл ва методларида ташкил этиладиган кўпқиррали яхлит тизим доирасида амалга оширилади. Бунда ҳар бир шакл ўз олдида қўйган вазифаларни бажаради лекин шакл ва методлар тўплами ягона дидактик мажмуани (комплексни) ҳосил қилади. Дидактик мажмуанинг амалга оширилиши эса ўқув жараёнининг психологик – педагогик қонуниятлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасидаги олий таълимни ислоҳ қилишнинг долзарб вазифаси талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини жонлантириш ўқув жараёнига янги технологияларни тадбиқ этишга хизмат қиладиган ўқитишнинг шакл ва методларни такомиллаштиришдан иборатдир.

Билим фаолияти тўғрисида шарқ мутафаккирларининг илмий –педагогик қарашлари

Олий мактабдаги таълим мазмунини қайта қуриш мутахассислар тайёрлашнинг янги, самарали шакллари излаб топиш бевосита талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш билан боғлангандир.

Ҳозирга даврда талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш муаммоси ўз моҳиятига кўра фалсафа социология педагогика психология хусусий методика фанлари вакиллариининг долзарб илмий тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда. Бироқ бу муаммони ўрта аср қомусий олимларнинг қарашлари ва таълимотини ўрганмасдан туриб тўла ёритиш мумкин эмас. Ўзбек олими Х.Х.Тиллашевнинг тадқиқотларида ўрта аср олимларининг дидактик қарашлари умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилиб берилган. Хоразимий, Киндий,Фаробий,Беруний,Абу Али Ибн Сино, Умар Хайём ва уларнинг бошқа замондошларининг илмий дунёқараши ҳамда билимлар манбаи ва объекти таҳлилидан аён бўлади. Билиш жараёни қандай босқичлардан ташкил топган ҳамда билиш ва амалий фаолият ўртасида қандай муносабатлар мавжуд деган савол уларни доимо қизиқтириб келган.

Шу маънода шарқ мутафаккирларининг асарлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Жумладан Ал-Хоразимий Мухаммад Ибн Мусонинг математикага оид рисоласи, Ал-Кандийнинг Арастуниинг “ Китоблари микдори” ва яна “Фалсафани ўзлаштириш учун нима зарур”лиги ҳақидаги рисоласи дастлабки

фалсафа тўғрисида. Беш моҳият тўғрисида китоб, Пайдо бўлиш ва йўқ бўлишнинг яқин тасвирлари изоҳи, Ал-Фаробийнинг “Ақл маънолари тўғрисидаги”, “Фозил одамлар шахри”, “Бахт ва саодатга эришув тўғрисида”, “Илимларнинг келиб чиқиши”, “Алмагестр Птоломейга изоҳ”, “Исо – ул – улум”, Ибн Синонинг “Китоб асҳ ишорат ва ат танбиқот”, “Донишнома”

(мутлақ бахт ҳам , мутлақ бахтиқаролик ҳам йўқ), “Ҳай Ибн Яқзон” ва боқалар асарларида Абу Райхон Беруний “Масуд қонуни”, “Доривор ўсимликлар ҳақида китоб”, “ Сайдана”, “Мунажжимлик саънатида бошланғич тушунчалар”, “Ёдгорликлар”, Абдурахмон Жомийнинг “Муסיқа” рисоласи ҳамда Алишер Навоийнинг “Махбубул қулуб” каби асарлари катта қизиқиш уйғотади. Хоразимий билиш фаолияти назарасияга улкан ҳисса қўшган. У билишнинг тажриба – кузатув ва эксперимент методига асос солган. Хоразимий томонидан қўйдаги умумдидактик тамойиллар ҳамда методлар ва шакллар асослаб берилган. Мусақиллик ижодий фаоллик кузатилган фактлрни ва ҳодисаларни тасвирлаш ва уни мунтазам баён қилиш тажриба – кузатув , эксперимент методи индукция ва дедукция аспектида яккалик ва умумийлик бирлиги тамойили ўқитишнинг савол жаоб шакли.

Хоразимийнинг “Салафи Ал-Киндий” моҳиятини барча назарий билимларнинг бош мавзуси деб қарайди. У аввало миқдор ва сифатни ҳиссий идрок қилиш зарурлигини таъкидлайди. Киндий илмий билишнинг уч поғонали концепциясини илгари суради . Табиий фанлар, мантиқ ва математикадан билимлар метафизика муоммасига олиб келади. Киндий ўз фалсафий қарашларни асослашда илмий билишни диний билимларга қарама-қарши қўйган ҳолда математика ва табиий фанларга алоҳида аҳамият беради. Киндий инсон билимлари ҳиссий ва ақлий билимларга бўлинади деб ҳисоблайди. Унингча, ҳиссий билимлар ўз предмети билан боғланган бўлиб, унинг объекти инсон танаси ва барча материаллардир. У таъкидлайдики, агар ҳиссий билимлар якка билимлардан иборат бўлса, ақлий билимлар эса умумий билимлардир. Киндий фикрича, ҳаққонийликни билиш ва ўзининг хатти-ҳаракатларини ҳаққонийлик билан мувофиқлаштиришда, киши онгидаги унинг сабабларини аниқлаш калити ёрдам кўрсатади. У шундай ёзади: “Сабабини топган ҳолатдагина биз ҳақиқатнинг тагига ета оламиз. Ҳар қандай нарсанинг моҳиятини англаш эса ҳақиқатни билиш учун зарурдир. Негаки, мавжуд нарсаларнинг барчаси ҳақиқатдан иборатдир. Ҳақиқатни идрок этса бўлади, бинобарин мавжуд нарсаларни ҳаммасини англамоқ мумкин”. Билим жараёнига Фаробий алоҳида аҳамияти беради. У ўзининг “Ақл маънолари тўғрисида” ва “Бахт саодатга эришув тўғрисида” асарларида инсонларнинг билимга бўлган интилишларини ҳар томонлама кенг ёритишга ҳаракат қилади.

У шундай ёзади: “Киши бирор буюм ҳақида билишни истаса, унинг қандайдир бир ҳолатини билади ва онгини ўша предмет шаклдаги билимга йўналтиради. Бу ўзи интилган ҳақиқатни кидириш демакдир. Фаробий илмий ғояларни умумлаштирган ҳолда Х.Х.Тиллашев унинг билиш тўғрисидаги

назарий асосларга бағишланган ишлари, хусусан мантиқ фанида билиш жараёни ва билиш шакллари, унинг моҳияти очиқ берганини таъкидлайди. Бу жараёнлар мантиқда унга риоя қилиш, тафаккурни такомиллаштириш ва мураккаб билиш жараёнида қўпол хатоларнинг олдини олиш қонунлари сифатида акс этади. Фаробий фикирлаш фаолиятини жонлаштиришнинг дидактик тамойиллари ва методларини асослаб беради. Унга ўқитишнинг амалий йўналганлиги, назарий билимлар узлуксиз ва билиш методлари мантикийлик ва узвийлик ҳукум методлари ва усуллари индукция ва дедукция методлари киради. Фаробийнинг билиш жараёни ҳақидаги қарашларини Абу Али Ибн Сино ҳам тасдиқлайди. Унинг тушунишича мантиқ инсон билимларининг асоси сифатида қоида ва меъерларни белгилаб беради. Инсоннинг билиш фаолиятини жонлантиради ҳамда унинг тўғри фикирлашини ўстиради. Фаробий томонидан ишлаб чиқилган фанлар таснифи илмий билимлар ғоясининг ривожланишини таъминлайди. У шундай ёзади: “Фанлар таснифи инсонга фанларни ўзаро қиёслаш, улардан қайси бирлари зарур фойдали тугалланган, ҳаққоний ва кучли ва қайси бирлари у қадар зарур эмас ва кучсизроқ. шунингдек ўрганиш учун нимадан бошлаш хусусан нимани ўрганиш, нима яроқли, қайси бири яроқсиз ва қай даражада уни эгалаш каби масалаларда ёрдам беради. Шундай қилиб, унинг фанига бўлган муносабати кўрликка, нодонликка эмас балки ва доноликка асосланади”. Ўрта аср олимлари ўз асарларида инсон фаолиятининг икки тури ҳақида фикр юритадилар, бу меҳнат ва билиш фаолиятидир. Улар шуни таъкидлайдиларки, Билим – бу билувчининг қалбидаги билинадиган тимсолдир. Билингки, фанни ўқитиш ва ўзлаштириш билим бўлмайди. Ўқитиш – бу қалбдан чиқадиган, қалб учун долзарб, ички билишга асосланган эътиқод. Билимларни ўзлаштириш – бу билим шаклларни қалбдан идрок этишдир. Билингки, қалб билиш предметлари шаклларини уч томонлама қабул қилади. Биринчидан ҳис қилиш орқали, иккинчидан далиллар орқали, учинчидан фикр юритиш орқали. Қайковуснинг “Қобуснома” асарларида билимнинг фойдаси ҳақида қўйдагича ёзилади. “Агар малсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа саъй кўргузгилки, мол билан бой бўлғондан, ақл била бой бўлғон яхшироқдур. Нединким, ақл била мол жам этса бўлар, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғил, ақл бир молдирки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувда оқмас”. Фаробий ўз асарларида билиш фаолиятини ташкил этиш тавсияларни ишлаб чиққан. Унда уч шарт белгиланади:

-Муайён фан асосида ётган барча тамойилларни яхши билиш.

-Мойилларни яхши билиш

-Муайян фан маълумотлари, яъни ҳукум чиқариш қоидаларни эгалашга алоқадор тамойиллар ва маълумотлар асосида зарур ҳулосалар чиқара олиш.

-Янглиш назарияларни инкор эта олиш ёлғондан ҳақиқатни ажратиб ола билиш ва хатоларни тузата олиш учун бошқа муаллифларнинг фикрларини таҳсил қила олиш.

Беруний билиш объектига бўлган илмий – фалсафий ва конкрет – методологик ёндошов муносабатларига эътибор қаратиш лозимлигини

ўқтиради. Беруний ҳиссий билишга алоҳида диққат қаратади. У шундай ёзади: “Билим соҳалари кўпдир, тобора ривожланаётган давр инсонлар ақл – заковатининг унга қўшилиб бориши билан улар янада кўпаяди, унинг белгиси инсонларнинг фанга интилиш, уни эъзозлаш, фан кишиларини эъзозлашдадур”. Воқеликнинг номаълум тамойилларини билиш ҳақида: “Билиши лозим бўлган барча ҳодисаларнинг йўли борки, унинг воситасида билимларга эришиш мумкин”, дейди. Абу Али Ибн Синонинг ақл тарақиёти босқичлари ҳақида фикрлаш ҳам кишида қизиқиш уйғотади. Унда учта босқич белгиланади: Биринчи босқич – ақлий идрок бўлиб, унда ақлий категориялар тушунилади. Иккинчи босқич – икки томонлама дрокдир. Учинчи босқич – фикран идрок қилинадиган билимлар ўзлаштириб олинганда намоён бўлади. Умар Хайём ўз таълимотида илмий билишга алоҳида диққат эътибор қаратади. У шундай дейди: “Ақл – заковат нарса ва ҳодисаларнинг хусусий тасодифларини умумлаштирмаса, у ҳақда тасаввур ҳосил қила олмайди ҳамда нарса ва ҳодисалардан ажралиб қолган мавҳумликни умуман акс этирилмайди. Ўрта асрлар қомусий олимларнинг қарашлари таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки., уларнинг илмий дунёқараши мавжуд ташқи олам ва унинг кишилар онгида акс этишни тан олишлари туфайли юзага келган. Улар билишнинг манбаини реал воқеалик деб ҳисоблаганлар . Уларнинг фикрича, инсон билимларини уни ўраб олган оламдан олади ва улар (билимлар) ушбу оламнинг инкосидир. Яқин ва ўрта шарқ қомусий олимларининг педагогик қарашлари таҳлили бу қарашларнинг яхлитлигини, уларнинг илмий билиш, инсонга бўлган муносабат ва унинг амалий фаолияти шаклланиши ва ривожланиши усуллари билан боғлиқлигини кўрсатади.

“Кластер” методи

Кластер методи педагогик, дидактика стратегиянинг муайян шакли бўлиб у ўқувчиларга ихтиёрий муаммо мавзулар хусусида эркин, очиқ ўйлама ва шахсий фикрларини бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. “Кластер”методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятини ишлаш тамойили билан боғиқ равишда амалга ошади. Улар ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чўқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунча қадар фикрлаш фаолиятинининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан яқка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ушбу метод гуруҳ аъзолари томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзда намён бўлади. Бу эса гуруҳнинг

хар бир аъзоси томонидан илгари сурилаётган ғояларни уйғунлаштириш ҳамда улар ўртасидаги алоқаларни топа олиш имкониятини яратади. Кластер методидан фойдаланишда қўйдаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

-Ниманики, уйлаган бўлсангиз, шуни қоғозга ёзинг. Фиқирларингизни сифати тўғрисида ўйлаб ўтирмай, уларни шунчаки ёзиб бординг.

-Ёзувингизни орфографияси ёки бошқа жихатларига эътибор берманг.

-Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча ,ёзишдан тухтаманг. Агар маълум бирор бир ғояни ўйлаб олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг. Бу ҳарактни янги ғоя туғилнунича даввом этиринг.

-Муайён тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш ҳамда мазкур ғоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Ғоялар йиғиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламанг.

Махсус фан ўқитувчисининг машғулотларга тайёргарлиги.

Ишлаб чиқариш таълими ўқув устасининг машғулотларни мувоффақиятли ўтказиш учун уларга пухта тайёргарлик кўриши муҳим аҳамиятга эга. Ўқув устаси ниманинг, қачон а қандай ўргатишини жуда аниқ тасвур қилиши керак. Ўқув планида ишлаб чиқариш таълимига ажратиладиган талаба вақтини ярим йилликлар ва ҳафталар бўйича тақсимлаш мўлжалланади. Ихтисос характеристикаси талабалари асосида тузилган шқув программасида ўрганиши лозим бўлган талаба материалининг ҳажми унинг мавзулари бўйича тақсимланиши ва ҳар бир мавзуни ўрганиш вақти белгилаб олинади. Программанинг ҳар бир мавзусида талабаларга меҳнат қилишнинг усуллари, қандай технологик операцияларни ўргатиш лозимлиги кўрсатилган. Ҳозирга замон ишлаб чиқариш таълими режалари ва программаларида ўзгаришлар юз бермоқда, ишнинг янгидан – янги илғор усуллари пайдо бўлмоқда, янги дарсликлар ва талаба қўлланмалари нашр этилмоқда. Ўқув устаси машғулотларга тайёргарлик кўраётганида ҳаммасини ҳисобга олиш лозим. Ўқув устасининг машғулотларга тайёргарлик кўришни қўйдаги босқичларини ўз ичига олади:

1.Талаба йилига(ярим йилликка)тайёргарлик.

2.Талаба программасининг навбатдаги темасини ўрганишга тайёргарлик.

3.Навбатдаги машғулотга тайёргарлик.

Ўқув устаси ўқув йилига (ярим йиллик) тайёрланаётганда ихтисос характеристикасини ишлаб чиқариш таълими ўқув планлари ва программаларини махсус, технологияни ёки муайён ихтисосга доир ишлаб чиқариш асослари технологиясини ўрганади, бошқа предметлар (умумий таълим, материалшунослик, чизмачилик, электротехника ва бошқалар) программалари билан танишиб чиқади. Лицей ва коллеж билим юртларининг тажрибали ўқув усталари бутун бир йилга мўлжаллаб умумий таълим плани тузадилар. Бу планда қўйдагилар назарда тутилади. Янги техникага доир

адабиётларни, қўлланмаларни ихтисосга оид илғор тажрибани ёритувчи ахборот варақаларни ўрганиш янги дарсликлар, методик қўлланмалар билан, талабаларга таълим ва тарбия бериш масалалари ёритилган методик хатлар ва бошқа материаллар билан танишиш ишлаб чиқариш новаторларини ишлаш методлари билан амалда танишиш зарур ўқув-моддий база тайёрлаш жуда мураккаб буюмларининг намуна эталонларини ҳозирлаш республика ва вилоят лицей ва коллеж таълими органларининг таянч корхоналар буюртмалар ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузган намуна рўйхатлари асосида ўқув ишларини ишлаб чиқишда қатнашиш операцияларга ҳамда ишларни бажаришдаги ўзгаришларга доир инструкция-технологик жужжатлари ишлаб чиқишда (операциялар ва ўзгаришлар изчиллигини, шунингдек ҳар бир ўзгаришнинг техникавий шароитларини кўрсатган ҳолда) бевосита иштирок этиш рўйхатда тайёрлаш учун кўзда тутилган ишларни катта мастер билан ҳамкорликда нормалаш. Ўқув устасининг программадаги навбатдаги темани ўрганишга тайёргарлик кўриши қўйдагилардан иборат: Ўқув устаси ўқув материални мазмунини таҳлил қилади, уни дарслар бўйича тақсимлаб чиқади ва ҳар бир дарсга қўйиладиган вазифаларни белгилаб олади. Мавзунини ўрганиш пайтида талабалар бажариши лозим бўлган ўқув ишларининг мазмуни ҳамда миқдорини белгилаб қўяди. Талаба гуруҳининг муайян мавзуга доир ишларни бажариши учун талаб моддий база тайёрлайди. Ўқув программаларининг кўпчилиги мавзулари бир қанча ишларни ўз ичига олади. Бундай ҳолларда ўқув материали мавзуси мавзучаларга бўлиб чиқилади. Ўқув устаси машғулотларни мавзулар бўйича ўтказиш методикаси масалаларини яхшилаб уйлаб, қўйдагиларни белгилаб олади. Қайси ўқув материалининг талаба кунлари бўйича тақсимланиши.

Талабалар билан ишнинг қайси йўллари, усуллари ва турлари ўрганиш зарурлиги предияетлар алоқаларни қаерда ҳамда қандай қилиб қўлланиш кераклиги. Қандай иш қуроллардан фойдаланишни ўргатиш лозимлиги, иш усуллариини ўрганиш изчиллиги. Назорат қилишнинг қандай йўл ва усуллариини ўрганишга тўғри келиши, бунда қандай асбоб-ускуналарда фойдаланиш лозимлиги. Кириш машғулотларини талабаларга индивидуал йўл – йўриқлар бериш ва янгиловчи маълумотларни қачон ўтказиш кераклиги. Мавзу ўрганишнинг бошланғич ва якуновчи босқичларида талабаларга топшириқларни бажариш тартибини қандай тушунтириш лозимлиги, талабаларнинг мустақилликларга эришиш ва талабаларни топшириқни сифатли бажаришлари, уларнинг тайёр ишлари эса ҳамма техник талабларга жавоб бериш учун. Технологик жараённинг қайси хусусиятларини кўриб чиқиш лозимлиги талабаларга меҳнатни ташкил этиш ва хавфсизлик техникаси бўйича қандай тадбирларни тушунтириш кераклиги. Қандай тарбиявий иш олиб бориш, уни материални ўрганиш билан қандай боғлаш лозимлиги.

Ўқув устаси талаба материални кунлар бўйича тақсимлаб, ўқув устаси талаба материални кунлар бўйича тақсимлаб чиқандан кейин мавзунини бутун ўрганишни йўлга қўйишни уйлаб олади, асосий ва ёрдамчи

материалларни алоҳида мавзучалар, махсус асбоб-ускуналар, мосламалар, талаба кўрсатма қуролларини; низомлар, технологик ҳамда ахборот карталарини тайёрлайди. Талабаларнинг ўзлаштириш ва қобилиятларни ҳисобга олиб, уларга ҳар куни қўшимча ишлар беришни мўлжаллаб қўяди. Ўқув устаси методик тайёргарлик кўраётгон пайтида тегишли методик қўлланмаларни, тавсияномаларни фантехникага доир адабиётларни ўрганади. Талабаларнинг назарий машғулотларда олган техника ҳамда умумий таълим бўйича билимларнинг ҳажмига аниқлаш мақсадида умумий техник ва умумий таълим фанлари талабалар билан суҳбатлашади, ҳамда фанлар алоқалар масалаларини белгилаб олади. Мавзуни ўрганиш талаба ишини тарбиявий ишлари билан боғлаш форма ва методларини ўйлаб олади. Методик комиссиянинг муайян мавзуни ўрганиш юзасидан тайёргарлик кўриш масалалари муҳокамасида иштирок этади., машқлар танлайди. Дарсда ўрганиладиган ўқув материалнинг мақсади ва мазмунига қараб ишлаб чиқиш операцияларини ўрганиш. Комплекс ишларини бажариш талабаларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини (текширув ишлари) бўйича бир – биридан фарқ қилади.

Дарсга тайёргарлик кўришнинг режаси

1. Мавзу бўйича дарснинг тартибини ишлаб чиқиш.
2. Ўқув материалнинг ҳажмини аниқлаш ва унинг мавзу бўйича дарс усулида тутган ўрни.
3. Дарснинг тарбиявий ва ривожланган вазифаларини аниқлаш.
4. Дарснинг асосий ғоясини аниқлаш. Ўзининг мазмунини очиш учун конкрет материал танлаш.
5. Ўрганиладиган материалнинг бошқа фанлар билан алоқасини аниқлаш (тиклаш).
6. Кўргазмалар қуроллар танлаш (кино, расм, схема ва бошқалар)
7. Ўқитиш методини аниқлаш
8. Ўқувчиларнинг билим фаолиятини активлаштириш мумкин бўлган йўллари аниқлаш.
9. Дарснинг структурасини аниқлаш, дарснинг асосий қисмларини вақт бўйича тақсимлаш. Ўқувчиларнинг мустақил иши мазмуни ва шакллари аниқлаш.
10. Дарс ва қисман дарс бўйича хулоса қилиш шакллари аниқлаш.
11. Ўқув хонаси доскаси ва дафтар ёзиладиган ёзувларни ривожлантириш, дарсликлардан фойдаланиш шакллари аниқлаш.
12. Дарс давомида ва дарс охирида хулоса қилиш усулларини аниқлаш.
13. Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва боҳолаш услубиятини аниқлаш.
14. Уй вазифасининг мазмуни, ҳажмини ва шакли аниқлаш.
15. Мавзу бўйича дарсдан ташқари ишни аниқлаш.

Ўқитувчи гуруҳни ўрганиш учун тавсиялар.

1. Умумий маълумотлар: Исми шарфи ва отасининг исми. Мутахассислиги – ёши соғлиги ва жисмоний ривожланганлиги. Оилавий шароити – ота оналари кимлар, уларнинг маънавий ривожланганлиги, ижтимоий мавқи, моддий жихатдан таъминлаганлиги, уй шароитининг ўқишга қулайлиги ва етарлилиги, ота-оналарнинг ўқувчига муносабати (эътибор, меҳрибон, дустона, қаттиққул ва ҳоказо), ўқувчининг уй юмушларига ёрдам бериши.
2. Ўқишга бўлган муносабати, дарсларда ўзини тутиши. Уй вазифаларини бажариши. Ўқитувчи ва тарбиячиларга муносабати, ўқишга қизиқиши (севган фанлари). Ўқишнинг мотивлари фанлар бўйича ўзлаштириши.
3. Ақлий ривожланиш даражаси кўзатувчанлиги ва топшириқлиги. Ўқув материални тез тушуниши. Ўзлаштиришнинг мустақамлиги материални эслаб қолишхусусияти ва усуллари. Диққатнинг хусусиятлари тўпланиши барқарорлиги кучини тақсимланиши ва ҳоказо, уларнинг машғулотлар давомида юзага чиқиши. Тафаккурининг хусусиятлари: Мустақил фикирлаш мавҳум тафаккурнинг ривожланганлиги, материални умумлаштира олиш, хулоса чиқариш ва ҳоказо . Нутқ, нутқнинг тушунарлилиги, сўз бойлиги, маданиятлиги, илмий атамаларни билиши.
4. Харақтери – масаълуютлиги, ўз ишига виждонан муносабатда бўлиши.Тўғри сўзлиги, камтарлиги,оддийлиги, ўзига ишониши, ўзига танқидий қарай олиш, дилкашлиги ёки камчилиги, ҳажимдорлиги ёки тажрибалиги, ўжарлиги, тажрибалиги. Дўстлик ҳиссининг ривожланганлиги. Ўз мақсади учун кураша олиш. Таъсирга берилувчанлиги ўзининг ютуқлари ва қачиликларига муносабати.
5. Темпераменти ва ҳиссиёти темпераментининг тури. Сангвиник , холерик, флегматик, меланхолик. Ҳиссиётини кучи ва турғунлиги, хурсадчилик ва ҳафачиликни бошдан кечириши. Хушчақчалиги янгиликка муносабати. Янги шароитга, янги одамларга мослашиши. Устунроқ (доимий) кайфияти: Қувноқ, ғамгин, руҳи тушган, бефарқлик ва ҳоказо. Кайфиятининг ўзгариши динамикаси ва тезлиги.
6. Қизиқишлари ва қобилиятлари. Энг ёрқин қизиқишлари қизиқишларнинг турғунлиги ва давомийлиги, чуқурлиги кенглиги. Ўқиш ва касб билан боғлиқ қизиқишлари. Ўқув предметлари бўйича қизиқишлари ва қобилиятлари. Махсус қобилиятларнинг мавжудлиги (санъатга, техникага, ижодиётига). Бўш вақтларида шуғулланадиган меҳнат тури. Меҳнат малакаларининг ривожланганлиги (ишнинг кўзини билиш).
7. Жамоада ўзини тутиши. Ўз жамоасига муносабати жамоадаги мавқи (тутган ўрни, авторитетини, обриси, таъсири ва ҳоказо). Жамоанинг фикрига муносабати. Жамоанинг шон – шухрати ва обриси учун

курашадими ? Ўзини жамоага қарама – қарши қўядими ? Кимлар билан дўст? Дўстлигининг мотивлиги инсоннинг қайси хусусиятларини қадрлайди? Жамоат ишлари ва топшириқларига муносабати. Интизомлиги ўзини тутиши: хушмуомала, қўпол,қўп гап, индамас, бетга чопар тортинчок.

8. Дунёқараши, динига жамиятга, сиёсатга, миллий масалаларга, иқтисодий масалаларга ва бошқаларга муносабати. Иши ва сўзининг бирлиги. Жамиятдаги фаоллиги ҳаётда нимага етишиши учун интилади?
9. Хулосалар, таклифлар ва тавсиялар. Ривожлантириши лозим бўлган ижобий хусусиятлар. Бартараф қилиниши лозим бўлган салбий хусусиятлар. Индивидуал ёндашиш учун нималарга эътибор бериши лозим (ўқитувчи ва тарбиячилар томонидан)? Қандай ёрдамга муҳтож? Ўзингиз қандай тадбир ва ёрдам уюштирдигиз ?

Дурадгорлик брикмалари.

Маъруза машғулотларининг ўқитиш технологияси.

Вақти – 4 соат	Талбалар сони – 16 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1.Дурадгорлик бирикмалар. Даста бет боғлаш. 2.Тўғри тирноқли бирикмалар . 3.Порси усулида . 4.Закровли бирикмалар. “Қалдирғоч кўйруқ” бирикмалар. 5.Порси ва винтли туниялар тайёрлаш технологик харитаси.
Ўқув машғулотларининг режаси	Дурадгорлик бирикмалар ишлатилиши соҳаси бирикма турлари. Порси ва винтли туниялар қўллаш ва уларни тайёрлаш ҳақида маълумот бериш, билим бериш.
Педагогик вазифалар: 1. Дурадгорликда нима учун бирикмалар ишлатилиши сабабларини тушунтириб беради. 2. Қайси ҳолатда тўғри тирноқли бирикмалар ишлатилишини тушунтиради. 3. Порси усули нима ва қандай қилиб амалга оширилишини	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба ; -Тушунади, ёзиб олади.

тушунтиради. 4. Закровли бирикмалар қалдирғочли қўйруқли бирикмалар қандай қилиб, қанақа ускуналар билан амалга оширилади. 5. Порси ва винтли туниялар нималигини тушунтириб беради.	
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза
Ўқитиш воситаси	Проектор, тарқатма материаллар.
Ўқитиш тури	Гуруҳ жамоа
Ўқитиш шарт - шароитлари	Проектор, компьютер билан жихозланган аудитория.

Машғулотнинг технологик харитаси (1-машғулот)

Босқичлар вақти	Ўқитувчи	Талаба
	1.1.Мавзу ва унинг мақсади.Ўқув машғулотдан кутилаётган натижаларни айтади.	Эшитади,ёзиб олади.
	2.1. Қурилишда ишлатиладиган дурадгорлик бирикмалар ҳақида тўла маълумот беради ва мисоллар келтиради.	Эшитади,ёзиб олади.
2- босқич Асосий 60 минут	2.2. Қайси ҳолда тўғри тирноқли бирикмалар ишлатилади? Қанақа асбоб-ускуналар ишлатилади ? Шуларни айтиб беради.	Эшитади,ёзиб олади, савол беради.
	2.3.Порси усули қанақа усул, қандай қилиб амалга оширилади ва қанақа асбоблар ишлатилишини айтиб беради.	Эшитади,ёзиб олади.
3-босқич Якуний 10 минут	3.1.Мавзуни якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалага қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.	Эшитади,савол беради.

Хулоса

Мени диплом лойихам амалий машғулотларни ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш булиб, диплом лойихасини бажариш

учун дарс ўтиши мавзусида бажардим. Ўқув услубий қисмда ўқитувчининг вазифалари, ўқитувчини дарсга тайёргарлик кўриш, дарс ўтиш методи, гуруҳ билан ишлашни ўрганиб чиқади.

Диплом лойихамни бажаришда Рахимов А.К билан биргаликда бажардим. Тўрт йил давомида ўқитган устозларимга ўз миндарчилигимни билдираман. Келажакда устозларимдан олган билимларимни тадбиқ этаман.

Фойдаланилган адабтётлар

1. Азизходжаева Н.Н
Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти.
“Тошкент – 2006”
2. Аллаёров И.А Дидактические основы активного обучение
управленческим дисциплинам Тошкент: Фан, 1994.
3. Бесналько В.П. Педагогика и прогрессивный технологии обучения
М: 1995 г
4. Бесналько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии – М 1989 г.
5. Бардовский Г.А , Извочиков В.А. новый технологии обучения:
Вопросы терминологии Педагогика – 1993 № 5.
6. Гальнерин П.Л.К прогриммированного обучения М-1967.
7. Кларин М.В. Инновации в мировой педагогике. Рига, 1995 г
8. Кларин М.В Педагогическая технология М: 1989 г
9. Кудрявцов П.О. Проблемное обучение. Истоки и сущность: Знание,
1991г.
10. Молибог А.Г . Программирование обучение-М: 1967 г.

